

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
БИНО ВА ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИ ФАКУЛЬТЕТИ
“ҚУРИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ТАШКИЛИЁТИ” КАФЕДРАСИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Т У Ш У Н Т И Р И Ш Х А Т И

Битирув малакавий ишининг мавзуси: **Навойи вилоятида 25 ўринга мўлжалланган хусусий мактабгача таълим муассасасини барпо этиш**

Битирувчи 15-15 БИК гуруҳ талабаси: Давронова У.М.

Битирув малакавий иши раҳбари: Кумаков Ж.Х.

Маслаҳатчилар:

Тошкент – 2019 йил

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

БИНО ВА ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИ ФАКУЛЬТЕТИ

“ҚУРИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ТАШКИЛИЁТИ” КАФЕДРАСИ

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ
Т О П Ш И Р И Қ**

Тасдиқлайман:
Кафедра мудири
_____ т.ф.д..Баҳодиров А.А

Давронова Умида Маҳмуд қизи
(талабанинг фамилияси, исми-шарифи)

1. Битирув малакавий ишининг мавзуси **Навойи вилоятида 25 ўринга мўлжалланган хусусий мактабгача таълим муассасасини барпо этиш**

Институт бўйича 20__ йил “__” _____ даги _____ - сон буйруқ билан тасдиқланган.

2. Битирув малакавий ишини бажариш учун маълумотлар: *Бино плани, қирқимлари, узеллари, конструктив ечимлар, қурилиш жараёнлари учун технологик харита, календар режа, қурилиш бош плани*

3. Тушунтириш хатида келтириладиган маълумотлар:

а) Архитектура-қурилиш қисми бўйича: *Умумий маълумотлар, бош режа, бош режа техник иқтисодий кўрсаткичлари, бинонинг ҳажмий режавий ҳал қилиниши ҳамда техник иқтисодий кўрсаткичлари, бино тузилмалари, пойдеворлар, деворлар, пардадеворлар, ораёпма ва томёпмалар, том тузилмалари, деразалар ва эшиклар, поллар, отмоскалар, бино ташқи ва ички қисми пардози.*

б) Қурилиш ишлаб чиқариш технологияси қисми: *Технологик картанинг қўлланиши кўлами, линолеум ишларини бажариш, линолеум ишларида қўлланиладиган асбоб ва механизмлар, иш олиб боришга кўрсатмалар, монолит бетон пол қуйиш ишлари, Мехнат сарфи ва иш ҳақи калькуляцияси жадвали, Ишни бажариш графиги жадвали*

в) Қурилишни ташкил этиш ва режалаштириш қисми: *Умумий маълумотлар, Ишлар ҳажми жадвали, Ишларнинг меҳнат сарфи, машина – сменаларга талаби ҳисоби ва календар графикнинг кўрсаткичларни аниқлаш жадвали, қурилиш машиналарни ва кичик механизмларга эҳтиёжни аниқлаш, Асосий қурилиш материаллари ва ярим фабрикаларга эҳтиёжлик жадвали, қурилиш бош режасини ҳисоблаш.*

г) Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қисми: *химоя қурилмалари, бахтсиз ходисани текшириш ва ҳисобга олиш, шикастланиш*

сабаблари, ишлаб чиқариш жойидаги ёритилиш тизимини танлаш, вентиляция тизимини танлаш, электр хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги, ўтга қарши сув таъминоти, алоқа, ёнгин сигнализация, индивидуал химоя воситалари, қурилиш машиналари хавфсизлиги.

д) Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: *Тушунтириш хатининг охирида келтирилган.*

4. Диплом лойиҳасининг чизмалари рўйхати:

а) Архитектура-қурилиш чизмалари: *бино фасади, бош план, қаватлар плани, хоналар таснифи, қирқимлар, тугунлар*

б) Қурилиш ишлаб чиқариш технологияси чизмалари: *линолеум полларни ётқизиш ишлари учун технологик карта, технологик картанинг қўлланилиш соҳаси, меҳнат сарфи ва иш ҳақи жадвали, техник иқтисодий кўрсаткичлар*

в) Қурилишни ташкил этиш ва режалаштири бўйича чизмалари: *Календар режа, ишчиларнинг ҳаракатланиш графиги, қурилиш бош плани*

5. Диплом лойиҳаси қисмлари бўйича маслиҳатчилар:

№	Диплом лойиҳасининг қисмлари	Бошлан-ниш муддати	Тугал-ланиш муддати	Имзо	Маслаҳатчининг Ф.И.Ш.
1.	Архитектура-қурилиш қисми				
2.	Қурилиш ишлаб чиқариш технологияси				
3.	Қурилишни ташкил этиш ва режалаштириш қисми				
4.	Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қисми				

6. Топшириқ берилган сана _____

7. Тугалланган диплом лойиҳасининг топшириш санаси _____

Диплом лойиҳаси раҳбари _____

(имзо)

Топшириқ бажариш учун қабул қилинди _____

(имзо)

Кафедра мудири _____

(имзо)

МУНДАРИЖА

1. КИРИШ.....	6
1.АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ҚИСМИ.....	9
2. ҚУРИЛИШ ИШЛАБ ЧИКАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ҚИСМИ.....	14
2.1. ТЕХНОЛОГИК КАРТАНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШ СОҲАСИ.....	14
2.2 ЛИНОЛЕУМЛИ ПОЛЛАР ҲАҚИДА АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР.....	14
2.3. ПОЛНИНГ АСОСИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ЛИНОЛЕУМ ЁПИШТИРИШ ИШЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	16
2.4. ЛИНОЛЕУМ ПОЛОТНОЛАРИНИ ЁПИШТИРИШ ИШЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	18.
2.5. ИШЧИЛАР МЕҲНАТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.....	19
2.6 ТЕХНИК - ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР.....	22.
2.7. ЛИНОЛЕУМЛИ ПОЛЛАРНИ ЁТҚИЗИШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШДА ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ.....	22
3. ҚУРИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ ҚИСМИ.....	28
3.1. Қурилиш бош плани элементлари ҳисоби. Қурилиш персонали сонининг ҳисоби.....	42
3.2. Инвентар биноларининг талаблари ҳисоби.....	43
3.3. Вақтинчалик сув таъминоти ва канализация.....	48
3.4 Вақтинчалик электр таъминоти.....	50
4. МЕХНАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВА ҲАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ ҚИСМИ.....	52.
4.1. ХИМОЯ ҚУРИЛМАЛАРИ.....	54
4.2. ШИКАСТЛАНИШ САБАБЛАРИ.....	54
4.3 БАХТСИЗ ХОДИСАНИ ТЕКШИРИШ ВА ХИСОБГА ОЛИШ.....	55
4.4 ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖОЙИДАГИ ЁРИТИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАНЛАШ.....	56
4.5. ВЕНТИЛЯЦИЯ ТИЗИМИНИ ТАНЛАШ.....	56.
4.6 ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ.....	57
4.7. ЭЛЕКТР ХАВФСИЗЛИГИ.....	57
4.8. АЛОҚА, ЁНҒИН СИГНАЛИЗАЦИЯ.....	58
4.9. ИНДИВИДУАЛ ХИМОЯ ВОСИТАЛАРИ.....	58

4.10 ҚУРИЛИШ МАШИНАЛАРИ ҲАВФСИЗЛИГИ.....	59.
5. ХУЛОСА.....	61
6 Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	62

Кириш

Республикамызда архитектура ва қурилиш соҳасида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш, янги замонавий қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда унинг турларини кенгайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришда энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, ...»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, қурилиш тармоғини биноларнинг энергия самарадорлигини оширувчи сифатли материал ва конструкциялар билан таъминлаш мақсадида маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб, энергия тежамкор лойиҳалаш ва қуриш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони, 2016 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2615-сон «2016-2020 йилларда қурилиш индустриясини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги, 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ-2639-сон «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сон «2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

тўғрисида», 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ПҚ -2909-сон қарори, 2017 йил 1 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2936 сон қарори, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари иштирокини янада кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ -3151 сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 майдаги “Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни такомиллаштириш чора тадбирларини амалга ошириш тўғрисида” ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли барча меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу битирув малакавий иши муайян даражада хизмат қилади.

Ўзбекистонда архитектура ва қурилиш саноати яхши ривожланаётган тармоқлардан бири бўлиб, унинг халқ ҳўжалигидаги салмоғи мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг йилдан йилга ортиб бормоқда. Ушбу соҳага тегишли саноат корхоналари замонавий асбоб-ускуна ва қурилмалар билан жиҳозланган бўлиб, уларда энг илғор технологиялар асосида маҳаллий хом ашёлар қайта ишланиб, тайёр маҳсулотлар олинмоқда.

Бугунги кунда, республикамиз Президентининг оқилона сиёсати натижасида кўплаб чет эл компаниялари Ўзбекистонда яратилган инвестицион муҳитга қизиқиш билдириб, Ўзбекистон архитектура ва қурилиш, арзонлаштирилган турар жойларни лойиҳалаш ва қуришни ривожлантириш учун маблағ киритмоқдалар.

Хусусан, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қарийб 25 мингта инвестиция лойиҳасини рўёбга чиқариш ҳисобига 256,4 минг иш ўрни ташкил этиш орқали аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини тўлиқ ижро этиш назарда тутилган. Ишсизлик даражаси энг юқори бўлган

минтақаларда 46,8 минг янги иш ўрни ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун таълим муассасаларининг 10 минг нафар битирувчисига кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда. Катта ёшли авлодни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий нафақалар бериш тартибини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари киритилган. Жумладан, 78 та туман тиббиёт бирлашмасини, 7 та шаҳар ва 2 та вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказини қайта қуриш, тез тиббий ёрдам хизматини 1200 та махсус автотранспорт билан таъминлаш режалаштирилмоқда. Қишлоқ жойларда 15 мингта арзон уй-жой, 415 километрлик сув таъминоти қувурлари, 316 километрлик газ таъминоти қувурлари ва 291 километрлик ички йўллар қуриш режалаштирилган. Аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида 86 та янги автобус йўналишини жорий этиш ва 537 та замонавий автобус харид қилиш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистонда турар жой ва саноат объектларини лойиҳалаш, қуриш ва қайта жиҳозлаш ривожланишининг замонавий босқичида хом ашёни нафақат экспортга чиқариш билан чегараланиб қолмасдан, четдан келтирилиб ва республикамиз иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1. АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ҚИСМИ

Лойихалаш учун берилганлар бошланғич маълумотлар

- а) Қурилиш ўрни - Навойи
 - б) Пойдеворлар – қўйма, монолит темир бетон.
 - в) Девор ва оралиқ деворлар - – йиғма, темирбетон, кўп бўшлиқли плиталар, қалинлиги -220 мм
 - г) Ораёпмалар - йиғма, темирбетон, кўп бўшлиқли плиталар, қалинлиги -220 мм.
 - д) Эшик ва дераза усти тўсинлари қўйма, монолит темир бетон
 - е) Деразалар - алюминий ва пластик маҳсулотли.
 - з) Поллар: - тахта, плиткали, гранитли ва линолеумли
 - и) Зинапоялар - қўйма, монолит темир бетон.
 - к) Том - ясси том.
 - л) Тупроқнинг музлаш чуқурлиги-ер сатҳидан 0.7м пастликда
 - м) ер ости сувларининг сатҳи - ер сатҳидан 2.8 м пастликда.
- Бино ёнғинга чидамлилиги буйича-II синфга киради.

Асосий қурилиш қурилмаларининг элементлари ҳам II-синфдаги узокка чидамлиликка эга

Қурилиш ҳудудининг асосий курсатгичлари:

- IV^A иклим ҳудудига кирувчи, қуриқ иссиқ иклим;
- ташкаридаги ёзги ҳисобий ҳарорат +38° С;
- ташкаридаги қишки ҳисобий ҳарорат -18° С;
- 1м² ёпма қурилма юзасига қордан тушадиган меъёрий юк-50кг/м²;
- 1м² юзага шамолдан таъсир этадиган юк-45кг/м²;
- Ер кимирлаш буйича қурилиш ҳудуди-7 балли;
- шамолни устун келувчи йуналиш-жанубий ғарб;
- грунт сувлари сатҳи -6.2 м;
- грунтни музлаш чуқурлиги -0,7м;

- грунт сувларининг бетонга нисбатан таъсирчанлиги-агрессив;
- хууд рельефи-куруқ иссиқ иқлим
- грунт асоси- лёссимон;
- грунтни меъёрий босими-5кг/см²

Жамоат биоларининг асосий конструктив элементлари - бу пойдеворлар, деворлар, алоҳида таянчлар, ораёпмалар, томлар, зинапоялар, дераза ва эшиклардир.

Жамоат биолари қурилишида конструктив элементлар билан таъминлаш ва безаклаш ишларини бажариш учун тахминан қуйидагича миқдорда харажатлар сарф этилади: пойдеворлар учун- 9,5%, деворлар учун- 20,4%, ораёпмалар учун- 18,2%, оралик деворлар учун- 9,6%, поллар учун- 6,8%, эшик ва деразалар учун- 3,6%, томлар учун- 4,2%, зинапоялар учун- 3,2%, қолган конструкциялар учун- 18,4%, ички ва ташқи безаклаш ишлари учун- 6,1%.

Пойдеворлар - бино ва иншоотларда ер ости конструкциялари саналиб, бинодан бериладиган барча юк ва юкланишларни қабул қилиб асос яъни заминга узатиш учун хизмат қилади.

Деворлар – биноларда мўлжалланиши ва жойлашиши бўйича ташқи ва ички деворларга бўлиниб, бир вақтнинг ўзида ҳам бинони тик йўналишда ташқи таъсирлардан ҳимояловчи ва юқоридан берилган юк ва юкланишларни пойдеворларга узатувчи ҳисобланади. Бино ва иншоотларда лойиҳаланиш ўрнига ва ишлаш системаларига қараб деворлар юк қабул қилувчи, ўзининг оғирлигини қабул қилувчи ва ўзининг оғирлигини узатувчи бўлиши мумкин. Юк кўтарувчи деворлар ички ва ташқи деворлар сифатида лойиҳаланиб, бинодан бериладиган тик ва бўйлама йўналишдаги куч ва кучланишларни қабул қилиб пойдеворларига узатади ва албатта ўз пойдеворларига эга бўлиши шартдир. Ўзининг оғирлигини қабул қилувчи деворлар эса фақат ўзининг оғирлигини қабул қилиб пойдеворларга узатиб ўз навбатида ички ёки ташқи деворлар сифатида ҳам лойиҳаланиши мумкин. Ўзининг

оғирлигини узатувчи деворлар эса асосий ҳолларда хоналарни бўлувчи оралиқ деворлар сифатида лойиҳаланиб ораёпмалар орқали ўз оғирлигини юк кўтарувчи деворларга узатади.

Алоҳида таянчлар – биноларда юк қабул қилувчи тик йўналишдаги конструкциялар бўлиб, тўсинлар орқали ораёпма ва бошқа элементлардан юк ва юкланишларни қабул қилиб пойдеворларга узатиш учун хизмат қилади. Конструктив ечимига қараб алоҳида таянчлар, майда ўлчамли маҳсулотли, темир бетонли ёки металл маҳсулотлардан бўлиши мумкин.

Ораёпмалар - биноларда хоналарни тик йўналишда бир биридан ажратувчи конструкциялар бўлиб, доимий ва вақтинчалик юкларни қабул қилиб юк кўтарувчи конструкцияларга узатади. Мўлжалланишига қараб ораёпмалар биноларда пастки (техподполье ва 1 қават орасида), ертўла усти (ертўла ва 1 қават орасида), қаватлараро (1 ва юқори қаватлар орасида) ва чордоқ (сўнгги қават ва чордоқ) тарзда лойиҳаланади.

Томлар - биноларни юқори томондан ташқи атмосфера таъсирлардан ҳимоя қилиб юк кўтарувчи ва қоплама қисмларидан ташкил топади. Лойиҳаланишига қараб томлар чордоқли ва текис (совмещенные) тарзда лойиҳаланади. Текис томларни чордоқсиз ва техник қаватларсиз лойиҳалашда сўнгги қават ораёпма конструкцияси том ёпмаси сифатида қабул қилинади ва қопловчи элементлар билан том сифатида лойиҳаланади. Сифатли бажарилган текис томлар, чордоқли томларга нисбатан қурилишда ва эксплуатацияда анча арзонроқ баҳоланади, бундан ташқари текис томлардан баъзи ҳолларда майдонлар сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Зинапоялар -бинонинг қаватлари орасидаги ҳаракатни боғлаш ва бино ичкарасидаги кишиларни эвакуация қилиш учун хизмат қилади.Зинапоялар жойлашган хоналарни зинапоя бўлмалари(лестничные клетки) деб аталади. Зинапоя конструкциялари асосан пиллапоялардан ташкил топган қия марш ва зинапоя майдончасидан ташкил топади ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида зинапоя тутқичи (перила) билан жиҳозланади.

Деразалар – биноларда хоналарини табиий ёруғлик нури билан таъминлаш ва табиий шамоллатишни амалга ошириш учун зарурдир. Дераза конструкцияси уларни ўрнига ўрнатиш учун кесаки (коробка) ва табақалардан ташкил топади. Биноларда дераза ўрни майдонлари қурилишда ёруғлик техникаси ҳисоблари бўйича қабул қилинади.

Эшиклар – бинолар хоналари орасидаги бўйлама йўналишдаги алоқани боғлаш учун хизмат қилади. Эшик конструкцияси уларни ўрнига ўрнатиш учун кесаки (коробка) ва табақалардан ташкил топади.

Ертўла – биноларни эксплуатация қилиш мақсадида турли хил хизматларни ташкил этиш, омборхона ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун лойиҳаланади ва қурилиши амалга оширилади.

Техник ертўла (техническое подполье) ёки техник каналлар – биноларда муҳандислик тармоқлари жиҳозларини жойлаштириш ва ўтказиш учун лойиҳаланади ва қурилиши амалга оширилади.

Чордоқ – биноларда юқори қаватлардаги хоналарни ташқи муҳит таъсиридан сақлаш, муҳандислик тармоқлари жиҳозларини жойлаштириш, омборхона сифатида фойдаланиш ва бошқа мақсадларни амалга ошириш учун лойиҳаланади ва қурилиши амалга оширилади.

Лойиҳа - бино, иншоот ёки улар мажмуасини қуришда бажариладиган барча ишларни ўзида жамлаган техник ҳужжатлар мажмуаси. Бино ва иншоотлар намунавий (типовой), хусусий ва экспериментал лойиҳалар асосида қурилиши мумкин.

Намунавий лойиҳа - кўп марта қайта фойдаланиш учун мўлжалланади. Уни ишлаб чиқишда иқтисодий ва эксплуатацион талаблар, қурилиш жараёнининг табиий-иқлим шароитлари, шу билан бирга юксак даражадаги ҳажмий-режавий ва конструктив талаблар тўлиқ инобатга олинган бўлиши лозим.

Лойиҳалаштиришни бошлаш учун дастлабки ҳужжат - лойиҳа учун топшириқ ҳисобланади. Уни буюртмачи лойиҳалаш ташкилоти билан

биргаликда тузади. Лойиҳалаш учун топшириқ лойиҳаланаётган бино вазифаси, қуввати (катталиги) ҳақидаги ҳамда қурилиш жараёнининг тафсилотлари, майдоннинг геодезик лойиҳаси, объект қурилишининг бошланиши ва тугалланиш муддати, ишлатиладиган қурилиш конструкциялари ва материаллари ҳақида зарур бўлган барча маълумотларни ўз ичига олади.

Топшириқ ва қурилиш меъёрлари ва қоидалари асосида хоналар таркиби, уларнинг майдони ва уларга ҳамда бутунлай бинога ҳажмий-режавий, конструктив ва меъморий-бадий ечимлар нуқтаи назаридан қўйиладиган асосий талабларни ўзида мужассамлаштирган лойиҳалаш дастури ишлаб чиқилади.

Фуқаро ва саноат биноларини лойиҳалаш икки ва бир босқичли бўлиши мумкин.

Жамоат бинолари ва иншоотлари катта доирадаги ижтимоий тадбирлар, одамларнинг сиёсий, иқтисодий, маъмурий, илмий ва бирор махсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолиятлари учун моддий база бўлиб хизмат қилади. Жамоат биноларининг вазифалари хилма-хил, кўлами кенг, 200 га яқин тури маълум.

2. ҚУРИЛИШ ИШЛАБ ЧИКАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ҚИСМИ ЛИНОЛЕУМ ПОЛЛАРНИ ЁТҚИЗИШ ИШЛАРИ УЧУН ТЕХНОЛОГИК ХАРИТА

1. ТЕХНОЛОГИК КАРТАНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШ СОҲАСИ

Ушбу технологик харита ушбу бинонинг линолеум полларини ётқизиш ишларини бажариш учун ишлаб чиқилган.

Линолеум полларини ётқизиш ишларининг бажарилиш тартиби куйидаги операциялардан ташкил топади:

1. Поллар остига бетондан тайёрлов қатламини ётқизиш.
2. Қум - цементли қоришмадан текисловчи қатламни ётқизиш.
3. Полларнинг линолеум қатламини ёпиштириш.
4. Плинтусларни ўрнатиш.

Линолеум полларни ётқизиш ишлари ёз фаслида бир сменада олиб борилади.

2.2. ЛИНОЛЕУМЛИ ПОЛЛАР ҲАҚИДА АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Линолеумли полларни ётқизиш ишлари икки хил усулда бажарилиши мумкин:

1) ўрама материал ҳолатидаги линолеум полотноларидан бутун хонанинг юзасини эгаллайдиган ўлчамли линолеум гилами пайвандланиб, у тайёрланган асосга куруқ ҳолатда ёзилади; бу усул кўпроқ турар-жой биноларида қўлланилади;

2) линолеум полотнолари пол асосига елимлар ёки махсус мастикалар воситасида ёпиштириб чиқилади.

Қурилиш амалиётида кўпроқ линолеум поллар пайвандлаб тайёрланган гиламлар билан қопланади. Линолеумни гиламлар шаклида пайвандлаш ишлари марказлашган устахоналарда бажарилади. Бунда пайвандлаш учун ГлавКиевстройнинг «Киеворгстрой» трестида тайёрланган автоматик усулда пайвандловчи конструкциядан ёки «Пчёлка» типидagi ярим автоматик режимда ишловчи қурилмалардан фойдаланилади. Қурилиш

объектларининг ўзида эса линолеумларни пайвандлаш ишлари «Пчёлка» ярим автомати воситасида амалга оширилади. Бундан ташқари, линолеум полларни ётқизиш ишларида «Киеворгстрой» трести конструкцияси бўйича тайёрланган қўл горелкаси ва С - 694 маркали қўл горелкалари ишлатилади.

Ушбу механизмлар ёрдамида линолеум полотноларини бир-бирига пайвандлаш учун махсус тайёрланган поливинилхлорид шнурлари ишлатилади - улар эритилиб, бир-бирига ёпиштирилувчи полотнолар орасидаги чокларни тўлдирилади.

Юқори частотали электр токи ёрдамида бир-бирига пайвандланиши керак бўлган линолеум материалларининг ёпиштирилувчи қирралари қисқа муддат ичида қиздирилиб бириктирилади. Бу усулда қўлланилувчи пайванд электродлари пайванд чоклари шаклида махсус конструкцияланган конденсаторлардан иборат бўлади. Пайвандлаш пайтида юқори частотали ток билан ишловчи машина воситасида электродлар пайванд чокларига босилади, совиш жараёнида эса унинг зичланиши таъминланади. Юқори частотали электр токи билан ишловчи аппарат комплектига ЛТД - 1 маркали юқори сифатли лампали генератор, ОМ - 4 ёки СО - 78 маркали қўлда бошқарилувчи мосламалар киради. Линолеум полотноларини пайвандлаш қурилмасининг кўриниши 1-расмда келтирилган.

Линолеум полотнолари қуйидагича тартибда пайвандланади. ОМ - 4 мосламаси шундай ўрнатиладики, бунда бир-бирига пайвандланувчи линолеум полотноларининг чоки электродлар орасига жойлаштирилиши керак. Пайванд чокининг шакли яхши ва тўлиқ бўлиши учун электродлар ва пайвандланувчи материаллар ўртасига целлофан плёнка жойлаштирилади. Юқори частотали ток берилганда линолеум қизий бошлайди, сўнгра эриши кузатилади, электродларнинг берган босими натижасида ўртага, энг юқори ҳароратли зонага оқиб тушади. Бунинг натижасида материалнинг зарралари листларнинг чок чизиғи бўйича аралашиб, монолит чокни ҳосил қилади. Шу жараёнда целлофан плёнкаси таранглашиб, чокка шакл беради.

Пайванд чоки ОМ - 4 мосламасининг узунлиги бўйича тўлик пайвандланиб бўлингандан сўнг мосламани чок устига ён томони билан кўйилади ва ҳосил бўлган чокни текисланади (“дазмолланади”).

Шундан сўнг чок устидан мослама ва целлофан плёнка олинади. Ҳар сафар мослама янги участкага силжитилганда аввал пайвандланган чокнинг четидан 5 - 10мм узунликдаги янги чок бостирилишини ҳисобга олиб ўрнатилади. Мосламанинг пайвандлаш тезлиги 12 - 18 м/соатни ташкил этади.

Ушбу пайвандлаш аппарати объектнинг ўзида жойлашувчи устахона ёки омборда қўлланилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2.3. ПОЛНИНГ АСОСИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ЛИНОЛЕУМ ЁПИШТИРИШ ИШЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Линолеум гиламлари полга маҳкамланмасдан, қуруқ асосга ёзилади. Линолеум поллари учун тайёрланган асос текис, қуруқ, мустаҳкам, титрамайдиган, чўкмайдиган, ёриқларсиз бўлиши ва чанглардан тозаланган бўлиши керак.

Агар пол асосида чуқурчалар, дўнгликлар мавжуд бўлса, тошчалар, йирик қум доналари қолдирилса, улардан линолеум сиртида турли нуқсонлар пайдо бўлади ва унинг тезда емирилиши, ишдан чиқишига ва яроқсизҳолга келиб қолишига сабаб бўлади. Пайвандланган линолеум гиламлари ётқизилувчи асоснинг намлиги 8%дан ортиқ бўлмаслиги керак. Намликнинг кўрсатилган миқдордан ортиқ бўлиши пол сиртида кўтарилишлар, кўпчишлар пайдо бўлишига, линолеумнинг мато асосининг чиришига, тайёрлов қатламининг бузилишига олиб келади. Линолеум гиламлари текисланиши учун улар ёзиб қўйилган хоналардаги намлик 60%дан ошмаслиги керак. Пол асосининг юк кўтариш қобилияти 10 МПадан кам бўлмаслиги керак. Линолеум гиламлари барча турлардаги пардоз ишлари тугаллангандан сўнг ёзилади, бунда пол сиртининг намланиши ва ифлосланишининг олди олинади.


Линолеум гиламлари ётқизиладиган жойларига горизонтал ҳолда олиб борилиши лозим, агар уларнинг ўлчамлари бунга имконият бермаса, маълум бурчак остида олиб борилиши мумкин. Шунингдек, линолеум ўрамлари кран ёрдамида деразалардан хоналарга узатилишига рухсат берилади.

Тозаланган, қуруқ асосга ёзиб қўйилган линолеум гиламлари эркин ҳолатда 1-2 сутка давомида сақланади.

Агар линолеум гиламларининг ҳарорати $+10^{\circ}\text{C}$ дан кам бўлса, улар дастлаб ҳарорати $+15^{\circ}\text{C}$ дан кам бўлмаган хоналарда 2 сутка давомида сақланади, шундан сўнг ёзилади. Линолеум гиламлари ёзилиб, текислангандан сўнг улар хонанинг ўлчамларига мос ҳолда контури бўйича кесилади.

Кесиш шундай бажарилиши лозимки, девор билан гилам қирраси орасидаги тирқиш 10ммдан ортиқ бўлмаслиги таъминлансин.

Ушбу ишлар бажарилгандан сўнг, линолеум гиламлари плинтуслар қоқилиб, қистириш рейкалари ёрдамида маҳкамлаб қўйилади (2 - расм).



2 - расм. Плинтуснинг жойлашиш схемаси:
1 - пол асоси; 2 - линолеум; 3 - қистириш
рейкаси; 4 - плинтус; 5 - вгоч пўжак; 6 - девор

Ёнма-ён жойлашувчи хоналарнинг линолеум гиламлари эшиклар бор жойларда бир-бирига маҳкамлаб қўйилади. Бунда поливинилхлорид порожоклардан қўллаб ёки қўл горелкаси воситасида чокларни пайвандлаш усулида маҳкамлаш мумкин. Порожоклар КН - 3 маркали мастика воситасида ёпиштириб қўйилади.

2.4. ЛИНОЛЕУМ ПОЛОТНОЛАРИНИ ЁПИШТИРИШ ИШЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Линолеум полотнолари ёпиштирилишидан олдин тоза, қуруқ асосга ёзиб қўйилади. Бунда пол сатҳидаги ҳарорат 14 - 16⁰С бўлиши лозим. Мана шундай ёзилган эркин ҳолатда полотнолар 2 - 3 сутка сақланади.

Линолеум полотнолари қуйидаги усулларда ёпиштирилади.

Асосга ёзилган линолеум полотноси ўртасидан бошлаб, тескари сирти юқорига қилиб букилади. Тишли металл шпателлар ёрдамида асосга мастика суркалади, бунда улаш чоклари тўғри келувчи жойларда эни 10смли йўлкалар қолдирилади; зарур ҳолларда бунда полотнонинг тескари сиртига мастика суркалиши мумкин бўлади. Шундан сўнг мастика суркаб тайёрланган асосга полотнонинг букилган ярми ёпиштирилади. Шу усулда унинг иккинчи ярми ҳам асосга ёпиштирилади.

Линолеум полотносининг устки сиртини ичкарига қилиб, хонанинг ўртасигача рулон кўринишида ўралиши мумкин, асосга мастика суркалгач, ўрамни ёзиб, ёпиштирилади. Асосга ёпиштирилган линолеум устидан коток юргизилади. Ёнма - ён ёпиштирилувчи линолеум полотнолари чокларда бўйламасига бир - бирининг устига 15 - 20 мм чиқариб ёпиштирилади.

Қирраси бўйлаб линолеум полотноларининг четлари махсус пичоқ билан кесилади: бунда линолеум қирраси остига чизғич қўйилиб, бирданига ҳар икки полотнонинг четлари кесилади ва қийқимлари олиб ташланади. Айрим ҳолларда линолеум остига эни 3-4 см, қалинлиги 2-3 мм бўлган картон тасма ёки бошқа шунга ўхшаш материал қўйилиб, чизғич ёрдамида пичоқ билан линолеум полотноларининг четки қирралари бўйлаб кесиб чиқилади. Шунингдек, линолеум полотноларининг четлари электр моторли пичоқ ёрдамида механизациялашган усулда ҳам кесилиши мумкин. Кесиш тугаллангандан сўнг, полотнолар четлари букилиб, асосга мастика суркалгач, ёпиштириб қўйилади ва устидан коток юргизилиб, текисланади.

Мастика суркашдан аввал пол асоси мастиканинг бензин ёки уайт - спирт билан эритмаси (таркиби 1:3) кўринишидаги қоришма билан грунтовка қилинади. Бунда битум мастикаси қўлланилади. Шунингдек, КН - 2, КН - № ёки КН - 4 маркали каучукли мастикалардан фойдаланиш мумкин. Мастика металл шпателлар билан юпқа қатлам кўринишида суркалади.

2.5. ИШЧИЛАР МЕҲНАТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Линолеум полотноларини ёпиштириш ишларини 2 кишилик облицовкачилар звеноси бажаради:

4-разряд - 1 киши, 2-разряд - 1 киши.

Буғдан ҳимоя қатламини ётқизиш ишларини том ишчиларининг 4 кишилик звеноси бажаради:

5 - р. - 1 киши, 3 - р. - 2 киши ва 2 - р. - 1 киши.

Поллар остига бетондан тайёрлов қатламини ётқизиш ишларини бетончиларнинг 2 кишилик звеноси бажаради:

4 - р. - 1 киши, 2 - р. - 1 киши.

Қум-цементли қоришмадан текислаш қатламини ётқизиш ишларини бетончиларнинг 2 кишилик звеноси бажаради:

4 - р. - 1 киши, 2 - р. - 1 киши.

Плентусларни ўрнатиш ишларини дурадгорларнинг 2 кишилик звеноси бажаради: 4 - р. - 1 киши, 2 - р. - 1 киши.

Ишларнинг ҳажми катта бўлган ҳолларда юқорида келтирилган звенолардан бир нечтаси бир вақтнинг ўзида объект қурилишида ишга жалб этилиши мумкин. Бунда ҳар бир звено учун иш фронти ва иш жойи яратиб берилиши керак, объектда ишчиларнинг меҳнатини оқилона ташкил этиш чора-тадбирлари кўрилиши зарур.

Лойиҳаланаётган бинонинг меъморий - қурилиш чизмалари ва услубий кўрсатмалар тавсиялари бўйича линолеумли пол ётқизиш ишларининг ҳажмини ҳисоблаб топамиз. Иш ҳажмига қараб ШНК бўйича ўлчов бирлигига меҳнат сарфи меъёри бўйича умумий меҳнат сарфини

аниқлаймиз. Бунда бир сменадаги ишларнинг давомийлиги 8,2 соат қабул қилинади, қоидаларга асосан, бир ҳафтада 5 иш куни кўзда тутилади.

Шундан сўнг ўлчов бирлигига белгиланган нархга асосланиб, ишларнинг умумий ҳажми учун ишчиларнинг иш ҳақини ҳисоблаймиз.

Ушбу ҳисоблар меҳнат сарфи ва иш ҳақи ҳисоби жадвалига киритилади.

Юқоридаги ҳисобларни бажариб бўлингандан сўнг, услубий тавсияларга асосан ишларнинг бажарилиш графигини тузамиз. Бунда звенолар таркиби ШНКга асосан қабул қилинади, иш ҳажмига қараб звеноларнинг сони қабул қилинади, бир суткадаги сменалар сони 1 га тенг қилиб олинади, зарур ҳолларда ишларнинг бажарилиш муддати (кунлар ҳисобида) яхлитлаб, бутун сон - кун ҳисобида қабул қилинади.

Ишларнинг бажарилиш кетма - кетлиги ва параллел ҳолда олиб борилиши мумкинлиги технологик жараённинг характерини, ишларнинг ҳажми ва миқёсларини, турли хусусиятларини (масалан, қум - цементли қоришмадан ётқизилган текисловчи асоснинг етарли даражада қуришини ва ш. к.) эътиборга олган ҳолда ишларнинг бажарилиш графигини ишлаб чиқамиз.

Лойиҳаланаётган бинонинг линолеумли полларини ётқизиш ишлари учун меҳнат сарфи ва иш ҳақи ҳисоби жадвали ва ишларнинг бажарилиш графикларини юқоридаги тамойиллар асосида аниқлаб ва ишлаб чиқиб, мос равишда номланган жадвалларга киритамиз.

Объект қурилишининг линолеумли пол ётқизиш ишлари учун талаб этилувчи моддий-техника ресурслари ва ишларни бажариш учун зарур бўлган машина, асбоб-ускуналар, мосламаларнинг номлари, миқдорини, маркалари ва бошқа кўрсаткичларини бинонинг ишчи чизмалари, технологик жараённинг таркиби, ҚМҚлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари ва тавсиялари асосида аниқлаб, жадваллар кўринишида келтирамыз.

Моддий-техника ресурслари

2.1 жадвал

т/р	Номи, маркаси	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1	2	3	4
1.	Юқори частотали ток билан ишловчи генератор	дона	2
2.	Линолеум полотноларини пайвандлаш қурилмаси ОМ- 4	дона	2
3.	Цемент - қумли қоришма М100	м ³	472.6
4.	Поливинилхлоридли линолеум	м ²	2363.8
5.	Мастика	кг	185
6.	Бетон қоришмаси В12,5	м ³	472
7.	Плинтус	п.м	1920
8.	Михлар ℓ=50мм; d=2,5мм	кг	50
9.	Михлар ℓ=40мм; d=2мм	кг	50
10.	Қоришма яшиклари	дона	2
11.	Узунлиги 3 м ли тахта рейкалар	дона	6
12.	Коток	дона	3
13.	Линолеум полотноларни кесиш учун қўл пичоғи	дона	3
14.	Мастика учун идиш	дона	3
15.	Чўтка	дона	3
16.	Мастика ташиш учун идиш - челак	дона	3
17.	Металл шпатель	дона	3
18.	Пластик шпатель	дона	3

2.1 жадвал давоми

19.	Букланувчи метр	дона	3
20.	Рулеткалар $\ell=3\text{м}$; $\ell=10\text{м}$	дона	3/3

2.6 ТЕХНИК - ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

1. Умумий иш ҳажми - 2363.8м^2 линолеумли пол.
2. Умумий меҳнат сарфи - 178.38 ишчи - куни.
3. Бир ишчининг бир сменада бажарадиган иш ҳажми - $13,25\text{м}^2$ пол.
4. График бўйича ишларнинг бажарилиш муддати - 12 кун.
5. Бир ишчининг бир сменадаги иш ҳақи - 4 сўм 43 тийин.
6. Умумий иш ҳажми учун иш ҳақи - 397 сўм 06 тийин.
7. 1м^2 линолеум полни ётқизиш учун
меҳнат сарфи - 0,070 ишчи - куни/ м^2 .
8. 1м^2 линолеум полни ётқизиш учун ишчиларнинг иш ҳақи - $0,335\text{сўм}/\text{м}^2$.

Изоҳ: Иш ҳақи қурилишда 2012 йил 1 январь ҳолатига берилган нархларда ҳисобланган.

2.7. ЛИНОЛЕУМЛИ ПОЛЛАРНИ ЁТҚИЗИШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШДА ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ

Линолеумли полларни ётқизиш ишларини бажаришда ҚМҚ 3. 01. 02 - 00 “Қурилишда хавфсизлик техникаси” талаблари ва қоидалари асосида хавфсизлик техникаси қоидаларига тўлиқ амал қилиниши шарт.

Линолеумли полларни ётқизиш ишларини бажаришдан аввал қўлланилувчи барча машина-механизмлар, асбоб-ускуналар ва мосламалар текширувдан ўтказилиб, синаб кўрилиши керак.

Линолеумли полларни ётқизиш ишларини бажарувчи барча ишчилар хавфсизлик техникаси бўйича йўриқ(инструктаж)дан ўтишлари шарт.

Линолеумли полларни ётқизиш ишларига фақат медицина кўригидан ўтган ишчилар қўйилади. Ишчиларнинг ёши 18 дан кам бўлмаслиги, камида 1 йиллик иш стажига эга бўлишлари зарур.

Ишчилар махсус кийим - бош, қўлқоплар ва кўзойнаклар билан таъминланишлари керак. Электр токи билан ишловчи қурилмалар “ерга” уланиши, яъни, “заземление” қилиниши шарт.

Пол ишларини бажаришда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилинишига алоҳида эътибор қаратилиши ва барча зарурий эҳтиёт чора - тадбирлири кўрилишига жуда катта аҳамият берилиши керак.

Линолеумли полларни ётқизиш ишларини бажаришда турли хил химиявий моддалар қўлланилганлиги сабабли, ишчилар бундай моддаларнинг хоссаларини, айниқса, уларнинг салбий таъсири натижаларини билишлари шарт ва шунга мувофиқ равишда тайёргарликдан ўтган бўлишлари, эҳтиёт чораларини кўришлари, зарур ҳолларда биринчи медицина ёрдамини кўрсата олишлари талаб этилади.

Лойихан бажаришда бинонинг функционал, техник, бадий меморий кўриниш ва иқтисодий талабларга жавоб берадиган даражада лойихаланган.

Юқоридаги ҳисобларни бажариб бўлингандан сўнг, услубий тавсияларга асосан ишларнинг бажарилиш графигини тузамиз. Бунда звенолар таркиби ШНКга асосан қабул қилинади, иш ҳажмига қараб звеноларнинг сони қабул қилинади, бир суткадаги сменалар сони 1 га тенг қилиб олинади, зарур ҳолларда ишларнинг бажарилиш муддати (кунлар ҳисобида) яхлитлаб, бутун сон - кун ҳисобида қабул қилинади.

Ишларнинг бажарилиш кетма - кетлиги ва параллел ҳолда олиб борилиши мумкинлиги технологик жараённинг характерини, ишларнинг ҳажми ва миқёсларини, турли хусусиятларини (масалан, қум - цементли қоришмадан ётқизилган текисловчи асоснинг етарли даражада қуришини ва ш. к.) эътиборга олган ҳолда ишларнинг бажарилиш графигини ишлаб чиқамиз.

Меҳнат сарфи ва иш ҳақи ҳисоби жадвали

2.2 жадвал

Т/ р	Шифр	Ишларнинг номи	Ўлч ов бир- лиги	Иш ҳаж- ми	Ўлчов бирлигига вақт меъёри, ишчи- соат	Меҳнат сарфи, ишчи- куни	Ўлчов бирли- гига нарх, сўм-тий.	Умуми й иш ҳажми нархи, сўм- тий.
1	2	3	4	5	6	7	10	11
1.	ШНК §19-30	Пол остига бетондан тайёрлов қатламини ётқизиш	100 м ²	23.638	9,6	27.67	5 - 03	125- 28
2.	ШНК §19 - 27	Қум-цементли қоришмадан текислаш қатламини ётқизиш	100 м ²	23.638	23	66.28	12 - 29	290- 51
3.	ШНК §19-16	Линолеум полотноларини ёпиштириш	м ²	2363.8	0,22	63.4	0 - 123	290- 74
4.	ШНК §19-14	Плинтусларни ўрнатиш	100 м ²	23.638	7,3	21.03	3 - 83	90 - 53

ҚУРИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ ҚИСМИ

ҚТЭ нинг ҳажмини ва сиғимини ўлчашни жадвал кўринишида
ҳисоблаймиз.

Жадвал 3 - ҚТЭ нинг ҳажмини ва сиғимини ўлчаш

№ п/п	Тафси лот	Иш ва просесларнинг номланиши	Ўлчов бирлиг и	Иш ҳажм и	Н _{вр} , киш и соат и.	Сиғ им	Ишч илар сони	Кунлик давомийли ги
1	2	3	4	5	6	7	8	
1	Е2-1-5	Д-606 бульдозери ёрдамида устки қатламни олиш	1000м ²	3,07	1,80	5,5	1,0	0,7
2	Е2-1-8	Чўмич сиғими 0,25 м ³ ЭО- 2621А эксковатор ёрдамида грунтни ме- ханизатсия узулида ишлаш	100м ³	13,5	4,50	60,8	1,0	7,6
3	Е2-1- 47	Грунтни қўлда ишлаш	100 м ³	2,5	1,80	4,5	1,0	0,6
4	Е4-1-1	Пойдевор плиталарини ёткизиш	дона.	60	0,63	37,8	4,0	1,2
5	Е4-1-3	Девор блокларини	дона..	104,00	0,72	74,9	5,0	1,9

		териш						
6	E19-44	цемент-кум аралашмасида теккислаш	100 м ²	3,26	8,50	27,7	4,0	0,9
7	E11-39	Пойдевор гидроизолятсия си	100 м ²	0,55	1,40	0,8	2,0	0,0
	E2-1- 34	Булдозерда пойдевор сатхигача қайта кўмиш	100 м ³	11,5	0,75	8,6	1,0	1,1
8	E2-1- 59	Қаватма-қават зичлаш (t _{сл} =200 мм)	100 м ²	7,2	4,80	34,6	3,0	1,4
9	E3-1	Ташқи уч катламли девор қалинлиги 600мм (1-3 эт.)	1 м ³	780	4,30	3354 ,0	12,0	34,9
10	E11-42	ташқи деворни пенополистир плитаси билан иситиш (1-3 эт.)	1 м ²	1300	0,34	442, 0	3,0	18,4
11	E3-3	Ички гишт девор қалинлиги 380мм (1-3 эт.)	1 м ³	236	3,70	873, 2	6,0	18,2
12	E3-12	Гиштли пардадевор	1 м ²	1010	0,66	666, 6	6,0	13,9

		калинлиги 120 мм (1-3 эт.)						
13	Е3-17	Темир бетон перемичка монтажи	дона.	430	0,57	245, 1	6,0	5,1
14	Е4-1-7	Ораёпма монтажи (1-3 эт.)	дона.	112	0,72	80,6	5,0	2,0
15	Е4-1- 10	Зина маршини қўйиш ёки погона плитасини юзасига қўйиш(1-3 эт.)	дона.	24	1,40	33,6	5,0	0,8
16	Е4-1- 11	Зинапоя тўсиғини ўрнатиш	1 м	50	0,37	18,5	2,0	1,2
17	Е6-9А	Том ёпма Стропила териш	100 м ²	6	29,20	175, 2	5,0	4,4
18	Е6-32	Стропилага оловга бардош берувчи модда суртиш "БОПОД"	100 м ²	3	1,90	5,7	2,0	0,4
19	Е8-1- 15	Подшивка доскасини бўёқ қилиш ПФ-115 да 2 марта	100 м ²	0,6	3,80	2,3	2,0	0,1

20	E5-1-20	Темир черепитсани териш	100 м ²	6	9,70	58,2	2,0	3,6
21	E7-9	Сув таминоти монтажи	1 м	44	0,10	4,4	1,0	0,6
22	E5-1-18	Кичик темир конструкциялар ни териш (кронштейн)	1 т	0,05	33,00	1,7	3,0	0,1
23	E5-1-10	Том тўсигини териш	1 т	0,28	12,00	3,4	4,0	0,1
24	E5-1-10	Том зинасини монтажи	1 т	0,4	12,00	4,8	4,0	0,2
25	E11-41	3-этаж томини минералвата плитаси билан қоплаш 2 марта	1 м ²	243	0,64	155, 5	3,0	6,5
26	E11-41	Остки қисмини 2 марта минералвата билан қоплаш	1 м ²	90	1,50	135, 0	3,0	5,6
27	E11-41	Томни шамолга қарши минвата билан қоплаш 2-марта	1 м ²	90	0,64	57,6	3,0	2,4
28	E19-11	Полга иссиқ ва овоз ўтказмайдиган	1 м ²	350,4	0,19	66,6	2,0	4,2

		линолим қўйиш						
29	E19-19	Полга сопол плиталарини териш полировка қилинмаган 200x200 мм	1 м ²	453,4	0,56	253, 9	6,0	5,3
30	E19-19	Полга споол плиткасини қоплаш	1 м ²	77,4	0,64	49,5	2,0	3,1
31	E19-31	C16/20 бетонидан қалинлиги 20 мм бўлган бетон полини ётқизиш	100 м ²	0,6	9,60	5,9	2,0	0,4
32	E19-49	Керамик плинтуслар териш	100 м	4,2	22,50	94,5	8,0	1,5
33	E19-46	Ёғоч плинтуслар тетиш	100 м	8,9	2,60	23,1	2,0	1,4
34	E19-48	цемент плинтуслар териш	100 м	0,23	9,10	2,1	2,0	0,1
35	E8-3-7	Томнинг барча юзасини осма гипсокартон лислари билан	10 м ²	68,27	1,00	68,3	2,0	4,3

		қоплаш (КНАУФ)						
	Е8-3-8	Гипсокартон учун осма каркаслар монтажи						12,5
36		Профил каркасларни шуруплаш	10 м бурчак	55,2	2,50	137, 9	2,0	8,6
37		Оскични қотириш	10 осма	34	0,32	10,9	2,0	0,7
38		Осма гипсокартон поталогининг асосий элементларини ўрнатиш	10 м профил	33,82	0,43	14,5	2,0	0,9
39		Осма гипсокартон поталогининг 2- даражали элементларини ўрнатиш	10 м профил	33,82	1,10	37,2	2,0	2,3
40	Е8-3- 13	Гипсокартон листларини метал каркасга шруплар ёрдамида қотириш	1 м ²	353,2	0,15	53,0	2,0	3,3

41	Е8-3-13	Гипсокартон шовларини ёпиш	1 м ²	353,2	0,05	17,7	2,0	1,1
	Е8-1-15	Поталокни оқ бۆёк ВД-АК-1032 бил;ан бўяш						8,6
42		Бир марталик шпатловка қилиш	100 м ²	9,76	17,50	170,8	4,0	5,3
43		Поталокларни силлиқлаш	100 м ²	9,76	4,40	42,9	4,0	1,3
44		Бир марталик грунттовка	100 м ²	9,76	2,10	20,5	4,0	0,6
45		Водаиммулсиа билан бўяш	100 м ²	9,76	4,30	42,0	4,0	1,3
46	Е-8-1-35	Деворга кафел ёпиштирисах	1 м ²	932,40	1,60	1491,8	8,0	23,3
	Е8-1-15	Девор ва парда деворларни оқ ВД-АК-1032 бۆёк билан бўяш						11,0
47		Бир марталик шпатлевка	100 м ²	17,39	11,50	199,9	4,0	6,2
48		Деворларни силлиқлаш	100 м ²	17,39	3,60	62,6	4,0	2,0
49		Бир марталик	100 м ²	17,39	1,70	29,6	4,0	0,9

		грунтовкалш						
50		Водаиммулсия билан бўйаш	100 м ²	17,39	3,50	60,9	4,0	1,9
51	Е6-13Б	Ешик кутиларини ўрнатиш	100 м ²	1,33	21,00	27,9	2,0	1,7
52	Е6-13Б	Дераза кутиларини ўрнатиш	100 м ²	0,42	24,00	10,1	2,0	0,6
53	Е8-3- 17	Ғиш деворни, парда деворни ва тамбурни минералвата билан қоплаш	1 м ²	28,5	0,40	11,4	3,0	0,5
	Е8-1-2	Девор ва тамбурни штукатурка қилиш						0,5
54		Обризгни сепиш	100 м ²	0,2	4,00	0,8	2,0	0,1
55		Грунтовкани сепиш	100 м ²	0,2	14,50	2,9	2,0	0,2
56		Юза безагини бериш	100 м ²	0,2	3,40	0,7	2,0	0,0
57		Бурчак юзаларини қўлда текиззлаш	100 м ²	0,2	21,00	4,2	2,0	0,3
	Е8-1-2	Тамбур ёпмасини сувоқ						0,3

		қилиш						
58		Обризг сепиш (насос билан)	100 м ²	0,085	5,00	0,4	2,0	0,0
59		Грунтовка сепиш (насос билан)	100 м ²	0,085	18,50	1,6	2,0	0,1
60		Юза қисмига сепиш	100 м ²	0,085	4,30	0,4	2,0	0,0
61		Бурчак юзаларини қўлда текиззлаш	100 м ²	0,085	26,50	2,3	2,0	0,1
		Кириш қанотларини ўрнатиш						1,7
62	Е19-39	Шебен билан теккислаш қалинлиги 100 мм	100 м ²	0,15	15	2,3	2	0,1
63	Е19-45	С 8/10 бетон билан стяжка қилиш	100 м ²	0,1	14	1,4	2	0,1
64	Е4-1- 34А	Опалубка қўйиш	1 м ²	9	0,62	5,6	2	0,3
65	Е4-1- 44Б	Опалубкага сетка қўйиш	100 кг	0,75	0,36	0,3	3	0,0
66	Е4-1- 49А	Қанотларни пойдеворга бетон билан	1 м ³	10	0,33	3,3	2	0,2

		боғлаш						
67	E8-1-39	Зина юзаси ва маршини бетон плита билан қоплаш	100 м ²	0,16	81,2	13,0	3	0,5
68	E8-1-2	M100 цемент-кум аралашмаси билан кириш қанотларини суваш	100 м ²	0,05	70,5	3,5	2	0,2
69	E5-1-15Б	Козерог қанотларини қўйиш	10 м	0,9	0,88	0,8	3,0	0,0
70	E5-1-10	Том атроф тўсиқларини қўйиш	1 т	0,2	11,00	2,2	4,0	0,1
71	E5-1-15Б	Фасад ва дераза устуни қўйиш	10 м	1,59	1,04	1,7	3	0,1
